


ИСТИҚЛОЛ БАЙРАМИГА 45 КУН ҚОЛДИ!

1991-
2000



Ўзбекистон — келажаги буюк давлат

ХАЛҚ СЎЗИ

1991 йил 1 январдан чиқа бошлаган



2000 йил 18 июль
Сешанба
Сотувда эркин нархда
№ 137 (2434)

ЎЗБЕКISTON RESPUBLIKASI OLIY MAJLISI VA ЎЗБЕКISTON RESPUBLIKASI VAZIRLAR MAJLISINING GAZETASI

ВАЗИРЛАР МАҲКАМАСИДА УЧРАШУВ

Шу кунларда Бангладеш Халқ Республикаси ташқи ишлар вазири Абдуссамод Озод расмий ташриф билан мамлакатимизда меҳмон бўлиб турибди.
Бангладеш ташқи сийosat маҳкамаси раҳбари Ўзбекистон Республикаси Бош вазири Ў.Султонов билан учрашди.
Мулоқот чоғида икки мамлакат ўртасидаги савдо-иқтисодий алоқаларнинг ҳозирги аҳоли ва истиқбол хусусида сўз борди. Томонлар ўзаро ришталарни янада мустаҳкамлаш, бу борда мавжуд имкониятлар-

ўринлардан бирида туради. Шу боис, бангладешлик ишбилармонларнинг Ўзбекистон пахта сизига қизиқиши катта. 1994 йилда савдо-иқтисодий ҳамкорлик тўғрисидаги битим қабул қилинганидан кейин икки мамлакат ўртасида шериклик кучая бошлади.
Музокараларда Абдуссамод Озод Бангладеш ҳукумати мамлакатимизни Марказий Осиёдаги муҳим ва кучли ҳамкор, деб билишини тасдиқлади. Шунингдек, расмий Дакка Ўзбекистон ҳукуматининг минтақавий хавфсизлик, халқаро террорчилик ва диний экстремизмга қарши кураш борасида саъй-ҳаракатлари ва ташаббусларини қўллаб-қувватлашини маълум қилди.
Бангладешлик меҳмон Ўзбекистон Республикаси ташқи ишлар вазири А.Комиллов билан ҳам учрашди.
(ЎЗА)

Уммонга қўйилгай азим дарёлар

ЯНГИЛАНАЁТГАН НАМАНГАН



Пок ниятли Наманган аҳлининг меҳнат шижоотига мен доимо чуқур ҳурмат билан қарайман.

Ислон КАРИМОВ.



қинг. Ҳурлик шабадаларидан тўйиб-тўйиб нафас олаётган юрт салохиятининг янги-янги қирралари очилмоқда. Ишлаб

АХСИКЕНТДАН ҚАМЧИҚҚАЧА
Ватанимизнинг гулга қон гўшаси деб ном олган ушбу юртининг ибтидои қадимий Косону Аҳсиқентдан бошланиб, миллоддан аввалги икки минггинчи йилларга бориб тақалади. Унинг асрлар оша кўрган-кечирганлари, сир-синоатларига осмонлар қояларни қўлтиқлаган тоғлар вилоятнинг беллидаги қумуш камар янглиғ Сайхун гувоҳ.


га келтиради. 1908 йилда босмаҳона бунёд этиб, унга «Матбаа Исхокия» номини беради. Бу Фарғона водийсидаги ilk чоп этиш корхонаси эди. Бугун Тўрақўрғондаги Ибрат музейига кирган киши жаҳон маданияти дурдоналари, илғор техникаси ва фан ютуқларини бундан бир аср илгарийек ўз юртида жорий этиш учун жонини амаган инсон қолдирган мерос истиқлолдан сўнг қадрини тоғганидан хотиржам тортади.

РАКАМЛАРДА ЎЗГАРИШЛАР АКСИ

- Вазирлар Маҳкамасининг 1998 йил июль ойидаги «1998-2000 йиллар даврида Наманган вилоятида бозор ислохотларини чуқурлаштириш ва вилоятни ижтимоий-иқтисодий ривожлантиришнинг жиддалаштириш чора-тадбирлари дастури тўғрисида» қарорининг қабул қилиниши вилоят тараққиётида муҳим ўрнни тутди.
- Вилоятда 89 миллион вақиллари яшайди.
- Ушбу йил мобайнида вилоятда 38,4 миллиард сўмлик саноат маҳсуотлари ишлаб чиқарилиди. Ушбу маҳсуотларнинг 96,9 фоизи, халқ истеъмоли молларининг 98,9 фоизи подоволат сектори узалиши тўғрисида келди.
- Вилоятда 1999 йилда 14,4 миллиард сўмлик қурилиш ишлари амамо ошарилиди. Шунингдек, 159,3 км. ичимлик суви, 554,9 км. табиий газ тармоқлари тортилади.
- Ушбу йилда вилоят ташқи савдо айланмаси 119,0 миллиард АКШ долларига етди.

Тарихнинг биз билган ва билмаган воқеликлари бисёр. Энди бугунги Наманган бо-

чиқариш, ижтимоий соҳа, аҳолининг кундалик турмушида кунда бир ўзгариш.



ФАХР

Вақт — оқар дарё, деганларидек, мустақиллигимизнинг 9 йиллик тўйи ҳам тобора яқинлашмоқда. Ўша қувончбахш айёмга тайёргарлик ҳақида сўз кетса, ҳар бир юрдошимиз юзида табассум, сўзида ифтихор акс этиб туради.

Муҳаммадсоли ЮСУПОВ, актёр:
— Шахсан мен учун йилнинг энг катта, ардоқли байрами — мустақиллик айёми. Яқинда санъат соҳасида фаолият курсида бошлаганимга чорак аср бўлади. Лекин шу йилларнинг фақат сўнги 9 йилини чинакам саодатли ижод йиллари деб ҳисоблайман.
Мустақиллиқнинг иккинчи йилиёқ «Ўзбекистонда хизмат кўрсатган артист» унвонига сазовор бўлдим. Давлат мукофотига лойиқ деб топилдим. Утган йили эса «Ўзбекистон халқ артисти» деган унвонга сазовор бўлдим. Бир қишлоқдан чиққан санъаткорнинг эъзозланиши, қадрланиши шунчалик бўлар.

Солижон СОДИҚОВ, нафақажур:
— Мустақиллик байрамини мен, аввало, миллий қадриятларимиз жойига қўйиладиган, ёши улуг кексаларга иззат-икром, эҳтиром кўрсатиладиган айём сифатида идрок қиламан.
Утган йили турмуш ўртоғим билан муборак Ҳаж сафарига бориб келдик. Энди бизнинг ҳолатимизга, имкониятимизга совет даври нуктаи назаридан қаранг. Ўша пайтда бу ҳақда хаёл қилиш ҳам мумкин эмасди.

Эркин ИСОҚОВ, енгил атлетикачи:
— Отам Тўлқин Исоқов машҳур велосипедчи эди. Ўзбекистонда биринчилардан бўлиб «спорт устаси» деган шарафли номга сазовор бўлган. У гоят қобилиятли бўлишига қарамай, дунё миксидидаги халқаро мусобақаларга чиқа олмади. Чунки бундай мусобақаларда ким иштирок этишини Москва белгилаб берарди.
Не бахтки, мен Сидней шаҳрида ўтказиладиган олимпиада ўйинларида мустақил Ўзбекистон шарафини ҳимоя қилиш шарафига муяссар бўлмоқдаман.
Сухбатдош: Набижон СОБИР, «Халқ сўзи» мухбири.

«Асакабанк»нинг одими
Халқаро молия доираларида катта нуфузга эга бўлган «The Banker» журналининг рейтинг баҳосига кўра, 1999 йил фаолияти яқунлари бўйича «Асакабанк» жаҳондаги 1000 илғор банклар ичида 950-ўринни эгаллади. Бу кўрсаткич 1998 йилда эгалланган ўриндан 9 поғона юқоридир.

ЎЗБЕК КУРАШИ ЧЕМПИОН БЎЛДИ!

Анталия шаҳрида ўзбек кураши бўйича иккинчи жаҳон чемпионати нияҳосига етди. Унда дунёнинг бешта китъасидан полвонлар иштирок этишди.
73 килограмм вази тоифасида ҳамюртимиз Махтумқули Махмудов, 90 килограммда эса яна бир вақилимиз Баҳром Авазовлар олтин медалларни қўлга киритишди. Энг оғир вазида гиламга тушган Эрали Маҳмарасуловга бу гал омад қўлиб бокмади. Ушбу вази тоифасида муҳлисларга яхши маълум бўлган туркиялик спортчи Салим Татар ўғли шохсупанинг биринчи поғонасини банд қилди.
Кеча Тошкент аэропортида голиб полвонларни қўтиб олиш маросими бўлди. Бутун вужудида гурур ва ифтихор туйғуларни кўриниб турган муҳлислар, чемпионларни қарнай-сурнай садолари остида анвойи гуллар билан қарши олишди. Ҳаммининг юзи-қўзида галаба қўвончи, кўтаринки кайфият акс этиди.
— Албатта, иккита курашчимизнинг олтин медални қўлга киритиши барча учун қувончи, — деди Халқаро кураш ассоциацияси президенти К. Юсупов. — Эътиборли жиҳати шундаки, чемпионат Ватанимиздан олисда катта қизиқиш ва юксак савияда ўтди. Яна қайта ва баралла айтмамиз: ўзбек кураши чемпион бўлди!
О. РАЖАБОВ, Н. МУҲАММАДЖОНОВ (сурат), «Халқ сўзи» мухбирлари.

МЕНИ ОЗОД ЮРТИ ФАВВАРИДА

ХҲР ДАВРНИНГ ДАЪВАТИ

1. Мустақиллик даврида олдимизга қўйган мақсадларга қай даражада эришма олдик, деб ўйлайсиз?
2. Мустақиллик тўғрисида шахсан Сизнинг ҳайтингизда ва фаолиятингизда қандай ўзгаришлар юз берди? Ватанимизнинг келажаги ва олий мақсадлари нуктаи назаридан бугунги ишларингиздан кўнглингиз тўладими?
3. Сизнингча, янги аср бўсағасида Ўзбекистоннинг нуфузини янада ошириш учун нималарга эътибор бериш керак?
да. Чунки бу ҳайкалга унинг алоҳида нафрати бор экан. Боиси, бир неча йиллар аввал у юртимизга келганида шўролар даврида нишонланадиган байрамлардан бири устидан чиқиб, ўзбек аёлларининг тантана арафасида майдонни саришта-лаётганликларини, ҳайкални чангу гўбордан артиб тозалаётганликларини кўрган экан. «Бу қандай мамлакатки, аёллари бегона миллат одами — бир мустабид ҳайкалнинг пойини ювиб ўтирса!..» дея қаттиқ эзилганим, деб эслаганим мезбон.
Шўқрлар бўлсинки, мазкур ҳайкал нафақат майдонларимиздан, балки одамларимиз маънавий оламидан ҳам олиб ташланди. Мен халқимиз тафаккуридаги мана шу эрилишни катта галабамиз, Президентимизнинг матонат билан олиб борган изчил сийосати натижаси деб биламан.
2. Мустақиллик тўғрисида содир бўлган буюк ўзгаришлар ҳаммамизнинг ҳам ҳаётимизга ўз таъсирини ўтказди ва ўтказмоқда. Буни дафъатан аңлаш, лўнда таърифлаш қийиндир, балки. Лекин ҳаётга чуқур разм солсак, буни, шўбҳасиз, илғаб оламиз. Хусусан, тилимизга давлат тили берилганлигига бир эътибор берайлик. Бу ҳол нафақат фуқароларимиз руҳини яйратмоқда, балки қўшинларимизнинг ҳам хавасини келтирмоқда. Зеро, бу йил Олмаотада бўлганимда у ерда шундай гап қулоғимга қалинди: «О, Тошкентда бўлиб қайтдим, бирам чиройли шаҳарга айланибди, ҳамма ерда фақат ўзбекча ёзу!»
Шу ўринда ўз ҳаётимдаги 80-йилларда кечган воқеани эсга олай. Мен


билан келишмай қолган бир раҳбар эътироз билдириш учун гап тополмай, «Сиз бироз рус тилига нўноқсиз, мажлисларда сўзга чиқсангиз, қийналиб қоласиз», дея айд қўйганди. Узи комсомолдан чиққан ва рус тилини сув қилиб ичиб юборганлардан эди. «Сиз ўзбек тилига нўноқсиз-ку!» деганларим мен унга гап қайтариб.

Ватанимизнинг келажаги ва олий мақсадлари нуктаи назаридан қараганда, бугунги ишларимдан, хусусан ижодий фаолиятимдан асло кўнглим тўлмайди. Бунинг сабаби бор. Илгарилари, ёш ижодкор пайтимида турли шеърят анжуманларида кўп қатнашганман. Ана шу байрамларда кўнглимдан ҳаммаша бир армон ўтарди: қанийди мамлакатнинг озод бўлса-да, ўша озод ва мустақил мамлакатнинг шоири саналсанг! Бу армоннинг ушалганига ҳам, мана, 9 йил бўлиб қолибди! Айрим шеърий туркумларимни ҳисобга олмаганда, озод мамлакатнинг шоири сифатида нима ишлар қила олдим? Мени мана шу ўй безовта қила-

га айландик. Президентимиз қайта-қайта таъкидлаганларидек, ташқи душманларга ҳаммаша ҳўшёримиз, ички душманларимиздан ҳам огоҳ бўлайлик. Шу ўринда порахўрликни мен энг катта ички душманимиздир, дегим келди. Жамикки жиноятларнинг, жамикки қабохатнинг туҳуми мана шу иллатдадир. Чуқур ўйлаб кўрайлик, ҳуқуқшнослик илмига пора орқали ўқиган кадр билан, беморнинг чўнтагига кўз тикиб турадиган шифокор билан мамлакат нуфузини кўтариб бўладими?
Бу каби иллатларга қарши матбуот ошқора, муттасил кураш олиб бораётгани, мудадога эришиш мумкин, деб ўйлайман.
Кўнглимда фикрларим, мулоҳазаларим кўп. Лекин мен, энг муҳими, янги аср бошида мамлакатимизда шундай соғлом муҳит вужудга келишини оруз қиламан. Унда ҳар бир иши юришмаган одам айбини давлатдан эмас, ўзидан ахтарсин. Тадбиркорликка қўл ураётган ҳар бир фуқаро эса эртага фалон тўқиларга дуч келаман, деб юрагини ховуцламасин.



ЯНГИЛАНАЁТГАН НАМАНГАН



«ЎЗИМИЗНИНГ ЮРТ УЧУН ИШЛАЯМИЗ»

Хар бир давр кишилар руҳияти ва турмуш тарзида ўз аксини қолдиради. Зотан, ўткинчи дунёда абсодий нима бор? Юрғида эзулик яшаган, келажак авлод саодати учун қайғурётган, халқим, Ватаним дейдиган кишилар эса ана шу фони дунё қиёфасини мангуликка муҳрлаш учун интилганлар. Наманганга кира туриб, Қамчиқ довоида амалга оширилаётган катта ишларни кўргач, дастлаб кўнглимиздан ана шундай ҳис-туйғулар кечди. «Тошкент — Уш» автомобил йўлининг довои орқали ўтган қисмидан қатнаётган машиналарни санаб улгурмай-сиз. Вақоланки, бундан аттиги беш йил илгари атрофинга қарасанг, тубсиз жарликлардан, кўзинг тинадиган илон изи тоғ йўлиларида энг мажоратли хайдовчи ҳам юракни ҳовулаб юрадди.

— Ишлаётган жойимизни «аср қурилиши» деб айтаётганларча бор. Унда бажарилаётган юмушлар йигирма биринчи асрга дадил кадам қўйётган юртимизнинг нақадар буюк ишларга қодир эканлигини нашола, десам адашмайман, — дейди у.

Экскаваторчининг айтгани тугамиз. Уни гоҳо Тошкент вилояти чегарасидаги кўприккозлар, гоҳида чўққилар бағридан тоннел қазитганлар, бироздан сўнг эса асфальт тайёрлаш агрегати ёнида учратасиз. Эндигина 42 ёшга кирган бошқарувчи улкан қурилишдаги хар бир икки-чирки эътиборида тугамиз.

да ўз ўрни қаерда. Ўз бурчи қандай бўлишини англаб етатганлигини ҳис қилдик. Бунга «Силк-Род» Ўзбекистон-Япония қўшма корхонаси фаолияти бир мисол. Корхона пилла чиқиндисидан тайёр газна ипак ишлаб чиқаришга ихтисослашган. Утган йили ишлаб чиқарилган маҳсулотлар қиймати 389036,9 минг сўмни ташкил қилди. Хорижга 1624,8 минг АҚШ доллари миқдорида маҳсулот экспорт қилинган. Ҳозирги кунгача 50 тоннага яқин маҳсулот тайёрланди.

— Корхонамиз билан фахрланамиз, — дейди ушбу корхона бошлиғи Ҳакимжон Халилов. — Бу ерга дунёдаги жуда кўп йирик фирмаларнинг вакиллари келишига таажжубланиб қолишганди.

Корхонани айланаркансиз, беихтиёр тўққиланиб кетади, киши. Бу ерда тўрт юз йигирма киши ишлашади. Ишлаб чиқариш жараёни тўла компьютерлар измида.

— Биз ўз жамоамиз билан хар қанча фахрлансак оз, — гапира давом этади корхона раҳбари. — Тўғри, улар кўринишларидан ўз тенгдошларидан фарқ қилишмайди. Аммо ишчиларимизнинг фирқалар даражаси, савияси ўзгарган. Кўнчилиги хорижда иш ўрганишди. Меҳнатта муносабатлари бутунлай ўзгача.

— Бу моддий манфаатдорликка ҳам боғлиқ бўлса керак — ўсмончилаб сўраймиз.

— Биласизми, бу масаланинг бир жиҳати. Менга қолса, уларни бу ерга ёшлик гурури, ватанпарварлик етаклаб келган, деган бўлардим. Ҳакимжон ака ҳақ гапни айтди. Негаки, «Силк-Род»да меҳнат қилаётган хар бир киши бажараётган иши замирида халқ ва юрт тақдирини кўришати.

— Кеңираётган ҳаётимизга шўқ қиламан, — дея гап бошлайди ўзини Содиқжон Шарипов деб таништирган ишчи. — Дастурхонимиз тўқин, турмушимиз хотиржам. Қолаверса, мустақиллик боис, оддий дехқоннинг ўғли — менга шундай корхонада ишлаш насиб этди.

Ҳа, қўшма корхонадаги қай бир ишчи билан сўхбатлашманг, улар мустақиллик халқимиз ҳаётида катта воқеа бўлганлиги, эртанги кун қадрига етиш учун кеңга кун сабақларини унутмаслик кераклиги ҳақида гапиришади. Бугун ана шундай ишонч, эътиқод, фикр ва тафаккурдаги ўғиниш хар бир наманганлик қалбига, юрғига қўймоқда. Улар эртанги кун сабақда зўр ишонч билан қарашади.



РАКАМЛАРДА ЎЗГАРИШЛАР АКСИ

- Ҳозирда вилоятда жами 11300 та кичик ва ўрта бизнес корхонаси мавжуд. Ушбу соҳада 42820 нафар киши ишламоқда.
- 20 мингга яқин киши яқка тартибда табиғий коралар фаолияти билан шуғулланоқда.
- Бугунги кунда вилоятда 70 та қўшма корхона самарали фаолият кўрсатмоқда.
- 1998-1999 йилларда 102,2 минг яқин иш ўринлари яратилди. Ушбу кўрсаткич жорий йилда янада ошмоқда.
- «Косиной-Текмен», «Поп-Фен», «Марвел Джус Ко», «Сил Родиди», «Асиам-Текстиль» «Сиб-Нам» каби қўллаб қўшма корхоналар вилоят экспортига ўз улушларини қўшмоқдалар.
- Утган йил 345,9 минг АҚШ доллари акциялар валютада чет эл инвесторларига сотилди.



ча бор. Бугун «Буюк ипак йўли»нинг ажралмас бўлаги бўлган Қамчиқда жаҳоннинг энг замонавий йўлсозлик техникалари ишляпти. Айниқса, Япониянинг мамлакатимиздаги мазкур йирик иншоотда кўрсатаётган ердами катта бўлапти.

Довондаги қурилиш миқёси бу ерда раҳбарлик қилаётган кишидан нияҳтада тезкорлик билан иш тугатиши тақозо этади. «Махсус-автомобиль» трести бошқарувчиси Носиржон Аҳмедов бу борада аллақачон малака

ЮЗИ ЁРУФ ИНСОНЛАР

Оқинг, вилоятдаги Ўзғариш ва янгиланишларни кўриб, саноат ва қўшма корхоналар фаолияти билан танншиб, кўнгиладан бир эътироф ўтди. «Бугун замон ўзгараётти». Не бахти, бу ўзгариш ўзликни англаш сари бўлмоқда. Нега? Чунки биз вилоятнинг қай бир бурчагида бўлмайлик, у ердаги оддий одамлар бугун жаҳиятимизда кеңабетган янгиланиш ва ўзгаришлар жараёни

БУ КУНЛАРИНГ ЎЗИ КЕЛМАГАН

шоир Абдулла Орипов ўтган йўлнинг 18 апрел кўни бир тўртлик ёзганди. Мана у:

Юртимда бесўроқ кезганим етар,
Ўзингни ҳокондек сезганим етар,
Бир юз ўттиз йил кул бўлдим сента,
Ўзбекин шунча йил эганим етар.

Баъзи бирлар бу шеърни ашаддий миллатчилик кўриниши деб баҳолашлари мумкин ва улар қаттиқ янгилашадилар. Бу тўртлик бирон бир миллатга эмас, балки муқаддас турпимизни ифлос оёқлари билан босиб келган истилочилар томон отилган найзадир. Қолаверса, ўз халқи, ўз миллатининг топталган қадри-нафсонияти учун асл ўғлоннинг юрак титроғи, изтироби, исёнидир...

Мустақиллик аслида нима ўзи? Ававалиг қолигда яшай-верши ҳам мумкин эмасмиди? Йўқ, мумкин эмасди, бирода! Бу борада лўнда гаплар, аниқ далиллар келтириш мақсадга мувофиқдир. Кўп эмас, ўн йилча муқаддам ҳатто бунга тўзукрок маданият саройи тиклаш учун ҳам Москвадан изн сураб, уша ёқларга қол-қоп совга-саломлар кўтариб би-

Нукусда Амударёнинг қуйи қисмида сув тақчилиги оқибатида юз берган фавқулодда вазиятнинг олдини олиш бўйича ташкил этилган мамлакат ҳукумат комиссиясининг мажлиси бўлиб ўтди. Уни Ўзбекистон Республикаси Бош вазирининг биринчи ўринбосари, мазкур комиссия раи-

КОМИССИЯ МАЖЛИСИ

си Б.Ҳамидов бошқарди. Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кеңаши раиси, комиссия раиси ўринбосари А.Тожиев кун тартибидagi масала юзасидан ахборот берди. Таъкидланганидек, Амударёнинг қуйи оқимида сув тақчилиги ўтган йилга

нисбатан тўрт баравар юқори даражада эканлиги кузатилмақда. Бунинг натижасида 125 минг гектар пахта майдонининг қарийб 50 минг гектаридаги ғўза бир марта суғорилган, холос. Шоли майдонлари икки баравар қисқарган.

Мажлисда вужудга келган вазиятни бар-нароқ этиш юзасидан аниқ чора-тадбирлар белгиланди, бу борада тегишли ташкилот ва идоралар раҳбарларига аниқ кўрсатмалар берилди.

А. ИСКАНДАРОВ,
ЎЗД мухбири

Хушхабар

Яқин кунлартача фақат оҳак тайёрлаш, дарё дамбаларини мустаҳкамлаш ҳамда пойдеворлар учун ишлаб келинаётган Ширмонбулоқ тоғининг харсанг тошлари эндиликда автомобил бўёқлари ва атир-ушлар ишлаб чиқаришда қўлланиладиган бўлди.

ТОҒ ТОШИДАН... АВТОМОБИЛ БЎЁҒИ

Маҳаллий тadbиркорлар — ака ука Ойбек ва Улуғбек Азимовлар саъй-ҳаракатлари билан Андижон вилоятининг Булоқбоши туманида «Буюк келажак» кичик корхонаси иш бошлади. Бу ерда тоғ тошлари кўйдирилиб, кимёвий тозалаш орқали автомобиль бўёғи ишлаб чиқариш учун зарур бўлган маҳаллий хомашё-каддий карбонат ва парфюмерияда қўлланиладиган муҳим араалашма-каддий оксид тайёрлаш йўлига қўйилмоқда.

Уттиз нафар қишлоқ ёшларини иш билан таъминлайдиган ва йилига 400 тоннага яқин ана шундай ноёб хомашёлар ишлаб чиқарадиган кичик корхона қурилиши нияҳтага етмоқда.

«Туркистон-пресс»

ЮРАКЛАРДА УНГАН ОҚИБАТ

Изланишдан тўхтаган одам бир кунда билиниб қолаётти. Аксинча, ишлашган деган, изланган одам ўша заҳоти назарга тушяпти. Иши кўзга кўринапти.
— Бу воқелик замирида моддий иқтисодий омилардан ташқари катта маънавий қудрат борлигини илғамаслик мумкин эмас, — дейди Жарқўрган қурилиш материаллари ишлаб чиқариш корхонаси раҳбари Чори БОБОКУЛОВ.

Бобокулов хар бир мушти икки пуллик тошни эслатадиган забардаст одам. Мен уни инженер-механик ёки ишлаб чиқариш билан шуғулланадиган одам, деб биламанда, хар гал учрашганимизда ундан «Корхонамизга металл, цемент келиб туриптими, одамларнинг машиноси қанчага оширдингиз», — деб суриштира бошлайман. Бундай гаплардан у ўзини четта олмайди. Аксинча, дебиторлик қарзлари, омбордаги маҳсулотлари вақтида сотилмаётгани, мониторинг хизматидаги камчиликлар ҳақида гапирераверади. Гап маромида бир кулиб кўйди-да, сиз кутмаган бир мавзунини тилга олади.

— Маош дегани чўнтакка келиб, чўнтақдан кетадиган бойлик, — дейди у. — Лекин одамзотнинг пул билан ўлчанмайдиган бойликлари бор. Ака, ишчиларимиздан эшитганим бир гурунгни айтмай, Эшқувват деганимиз бир вақтлар, ҳов, шўролар замонида магазинчи бўлган экан. Енгил машина сотиб олипти. Машинага қўшиб бошига катта гағво сотиб олипти. Гап шундаки, советларнинг ОБХСС деган ташкилоти, бир рядовой магазинчи машинага пулни қаердан тоғди, деб унинг изидан тушган экан. Дўконини тафтишдан ўтказиб, ҳатто, омонат банкидаги ҳисоб-китобларини кўриб чиққан экан. Ҳа, шўролар мафқураси одамларни бир-бирига чап кўз билан қарашга ундаган.

Ҳозир-чи. Эзгу ният билан яхши ишга қўл ураётганларга ким нўписа қилаётти? Аксинча, қўллаб-қувватлашмаяпти? Ҳай, баракалла дейишмаяпти? Одамларимизда бугун янгиликка интилишга сафарбарлик бор. Ана мустақиллик бизга бахш этган куч. Ана дунёқараш, мафқура...

Яна бир гал корхонага борганимда Чори Бобокулов мени савол билан қарши олди. Маданият нима меҳр-оқибат нима, муҳбир бўлсангиз жавоб беринг, деди.

— Меҳр-оқибат маданиятнинг... — Йўқ, йўқ, — деб гапни бўлди у. — Меҳр-оқибатнинг ўзи — маданият. Миллатимизга ҳос маданият. Катта харфлар билан ёзилмаган мадани-

ят. Ёнида бемор турганини билиб магнитфонни бақтириб қўйиш, кинотеатрда оёқни чалкаштириб ўтириш каби ҳолатлар — қусур. Яқкам-дуккам одамларнинг қусурини миллатга, унинг маданиятига, мафқурасига чаплаш шовша-шошарлик. Амир Темур бобомизнинг шаънига қанчалар қора чапламадилар. Муқаддас динимизни, қадриятларимизни қанча оёқ ости қилмадилар. Миллий эзгулик ва ҳақиқатларни аҳдоқлар тарихининг минг хил чиғирналаридан олиб ўтиб авлодларига етказдилар. Бу фақат меҳр-оқибатли одамларнинггина қўлидан келадиган иш эди.

— Меҳр-оқибат юрагимиздан томир отган фазилат. Юраклардан униб чиққан маънолар эса ҳаммиса миллийлик мақомига эга бўлиб қолади.

— Гапларингиз... чиройли, — дейман Бобокуловга.

— Аравани қуруқ обқочиб бу, демокчимсиз, — дейди у жиддий тортиб. — Ишни ҳам ташлаб қўйганимиз йўқ, лекин. Корхонамизда 200 га яқин одам ишлайди. Фалон кийинчилик бошимизни оғритапти, деб биронтаси бошқа идоранинг остонасини ҳатлаб киргани йўқ. Жарқўрган нефть ишлаб чиқариш жамоаси билан ҳамкорликда Ховдак даштида нефтдан йод ажратиб оладиган завод қурдик. Уша Ховдак даштидаги бетонит захираларидан оқилона фойдаланиш шароитларини яратаяптимиз. Бир табиркор бундан 4-5 йил аввал Украинадан олиб келган ва кунига 150 тонна хом ашёни қайта ишлайдиган ўсимлик мойи заводини қурмоқчимиз. Яна қанча режалар... Одамларимизда бугун янгиликка сафарбарлик бор деган гапимиз асли, ўзимизнинг жамоамизда кўриб айтаялган-да...

...Хонага вилотдаги машҳур фирмалардан бирининг бошлиғи кириб келди. «Ўзбекистон темир йўллари»нинг вилот бўлими раҳбарлари ташриф қилдилар. Қабулхонада яна бир талай одам...

Бобокулов бўлса аллақачон пиёлага қўйиб қўйилган ва совиб қолган чойдан бир ғўллайдую, чарчоғини унутгандай бўлади...

Олимжон УСАНОВ,
«Халқ сўзи» мухбири.

ВАТАН ТИНЧЛИГИ ВА ОСОЙИШТАЛИГИ ЙЎЛИДА

Мамлакатимизда истиқлолнинг дастлабки кунлариданоқ юрт тинчлиги ва осойишталигини сақлашга жиддий эътибор қаратилмоқда. Ўзбекистон Республикаси Президенти, Қуролли Кучлар Олий Бош қўмондони Ислам Каримов жанговар қобилияти юксак, тевкор, хар жиҳатдан яхши таъминланган Қуролли Кучларни шакллантириш ва мустаҳкамлашга алоҳида аҳамият бермоқда.

Шу мақсадда Юрбтошнинг ташаббуси билан бундан қарийб беш йил муқаддам Тошкентда мамлакат Қуролли Кучлари академияси ташкил этилган эди. Марказий Осиёда ягона ҳисобланган ушбу харбий академиянинг асосий мақсади — олий маълумотли командир-мухассислар тайёрлашдан иборат. Ўтган вақт мобайнида мазкур ўқув даргоҳини кўплаб юқори малакали офицер кадрлар муваффақиятли тугатлаб, бугунги кунда Қуролли Кучларимиз сафларида самарали хизмат қилмоқда.

Пойтахтимиздаги Марказий офицерлар уйда харбий академиянинг навабдаги битирувчиларини хизмат жойларига кузатишга бағишланган тантанали йиғилиш бўлиб ўтди. Унда республика Мудофаа вазирлиги ва мазкур академия раҳбарлари, профессор-ўқитувчилари, битирувчилар ва уларнинг ота-оналари, жамоатчилик вакиллари қатнашди.

Йиғилишда республика Мудофаа вазири, генерал-лейтенант Ю.Аъзамов битирувчиларни харбий академияни муваффақиятли тамомлаганликлари билан самимий қутлаб, уларга армиямиз сафларида ўз хизмат бурчларини сидқидилдан адо этиш, мустақил Ватанимизнинг миллий хавфсизлигини, халқимизнинг тинчлигини ва осойишталигини таъминлашда масъулиятли, шу билан бирга шарафли ишда муваффақиятлар тилади.

Битирувчилар номида сўзга чиққан майор О.Раҳмонов харбий хизматчиларга кўрсатилаётган доимий ҳамқўрлик учун ҳуқуқимиз, шахсан Президентимизга чукур миннатдорчилик билдириб, овоз Ватанимиз ва халқимизга, унинг тинчлиги ва осойишталигини таъминлаш ишига садоқат билан хизмат қилаётганларини таъкидлади.

Т. БОТИРБЕКОВ,
ЎЗД мухбири.

ГАВҲАР ТОПГАН ОДАМЛАР

бебахо неъматнинг қадрига етишлари керак

жойлардаги «кўз-қулоғи» бўлиши шахсларга бориб тақалармиди? У ҳатто ўз амри-воҳиб билан биринчи қотибнинг қарорини ҳам чиппака чиқарадиган пайтларни унутиб қўйдими? Қатнашчилари тўқсон тўққиз фоиз ўзбеклар бўлса ҳам мажлисларда ажнабий тилдан сўзлашга мажбур бўлганларимиз-чи? «Пахта, пахта, пахта» дея ўлмасдан мундоқроқ дуняларни бошдан кечирганларимиз наҳотки ҳаёлимиздан кўтарилиб кетган бўлса? Ҳали ўн гулдан бир гули очилмаган фарзандларимизни йўқлаб келган, асли таги наманганлик бўлган меҳмонлар билан мулоқот қилган эдик. Исмаили, янгилишмасам, Абдуқодир ва Абдуҳамид эди. Бир нарсадан ҳам хафа, ҳам ўта та-

қиллик жуда кўп халқлар томонидан йиллаб давом этган урушлар, сон-саноксиз қурбонлар эвазига қўлга киритилганлигининг кўлға бўламиш. Фақат тақдирнинг бизларга қилган инъоми шу бўлдики, бу оламшумул тарихий воқеанинг яқинловчи қисми урушларсиз, тўс-тўполонларсиз, тинч йўл билан амалга ошди. Бунга эса кўп жиҳатдан юртимиз сардорининг мардлиги, донолиги, заковати сабабидир, албатта.

Биз бахтли авлодимиз, зотан, улар энди Ўзбекистон аталмиш гўзал боғу чаманга ота-боболари каби қорувлик қилмайдилар, аксинча, улар энди мана шу кўркам, гўзал, тўқин боғинг ўз галларидилар.

Мен бир нарсадан хурсандман: яратганга минг бор шукроналар айтманки, улар, яъни фарзандларимиз «мустақиллик» балосининг нема эканлигини билимай ҳаёт кечирадилар.

Мана шу нарса кўнглимга ажиб бир ёрулик бағишлайди, юрагимдагини айтсам...

Қодиржон СОБИРОВ.



1991-2000
9

БИЛИМНИ БОЙЛИК ДЭБ БИЛАНЛАР
Ўқувчилари Америка Қўшма Штатлари, Буюк Британия сингари мамлакатларда бўлиб қайтаётган Жомашўйдаги Шароф Рашидов номи иқтидорли болалар мактаб-лицейига кириш осон эмас, дейишди.

Хатто, биринчи синфга ҳам танлов катта. Нега шундай? Қодиржон Холматов, Шерзод Каримов сингари ҳамқишлоқлари океан ортида тахсил кўриб, замонамизнинг етуқ мутахассислари бўлишга кириш осон эмас, дейишди. Хатто, биринчи синфга ҳам танлов катта. Нега шундай? Қодиржон Холматов, Шерзод Каримов сингари ҳамқишлоқлари океан ортида тахсил кўриб, замонамизнинг етуқ мутахассислари бўлишга кириш осон эмас, дейишди. Хатто, биринчи синфга ҳам танлов катта. Нега шундай? Қодиржон Холматов, Шерзод Каримов сингари ҳамқишлоқлари океан ортида тахсил кўриб, замонамизнинг етуқ мутахассислари бўлишга кириш осон эмас, дейишди.


ЯНГИЛАНАЁТГАН НАМАНГАН

монавий компьютер билан ишлаш бу ерда шунчаки гап. Уни «Интернет» тармоғига улаганларидан бери болалар дунёнинг исталган нуқтасидаги тенгдошлари билан мулоқотга киришишпти. Лицей раҳбари Матлуба Мадаминаева чет элда кўриб келган ўқитишнинг илгор усулларини самарали жорий этмоқда. У аввало, нимага эътибор берди? Ўқувчининг энг кўп мурожаат қиладиган жойи — кутубхона. У қўшимча

лимларни ўзлаштиришга ўтдилар. Чет тили, иқтисод ва табиёт йўналишларидаги машгулотларнинг ҳар бир соати жонли ва қизиқарли.

— Хорижга сафарим давомида Ўзбекистоннинг ўқувчилар билан уларникини ҳар жиҳатдан солиштириб

қўрдим, — дейди Матлуба Мадаминаева. — Гапнинг рости, ўғил-қизларимиз чет эллик тенгдошларидан сира кам эмас, баъзи томонлари билан ҳатто улардан устунлик қилишди. Масалан, бизда математика, тарих, география фанлари жуда чуқур ўқитилди. АҚШда эса бундай эмас. Улар кўпроқ компьютерга суянишди. Агар америкалик боланинг қўлидан ўша нарсани олиб кўйинг-чи, довдираб қолади. Японияда эса бола-



са олинади. Баъзан давр талабларидан орқада қолган ҳамкасблар билан шартномани бекор қилишга ҳам тўғри келяпти. Янгича ишлаш нафақат вилоятда, балки республикада ўтказилаётган танловларда ҳам самарасини кўрсатмоқда. Рус тили бўйича Анорхон Расулова, географиядан Абдумажит Ускинов, математикадан Ганижон Кимсанов, кимё фанидан Шукрулло Зобитовлар тузган тест матнлари республика танловида фахрли ўринларни эгаллаганлиги бунга гувоҳ. Корейс тили муаллимиси Оксана Ли Жанубий Кореяда, француз тили ўқитувчиси Қодиржон Жабборов Парижда маляка ошириб қайтгандан сўнг улар дарс бераётган синфларда ўзлаштириш янада яхшиланди.

РАКАМЛАРДА ЎЗГАРИШЛАР АКСИ



• Бугунги кунда вилоятда 667 та умумтаълим мактаби, 861 та мактабгача болалар муассасаси, 3 та олий, 18 та ўрта махсус ўқув юрти, 26 та ҳунар-техника билим юрти, 1 та академик лицей, 1 та кўпмақола фаолият курси мавқомида, биргина Илҳон Давлат университетиде 3200 нафардан ортиқ талаба таълим олмақда.

• 2000-2001 ўқув йилида 12 та касб-ҳунар коллежи тубдан таъмирланиб, ишга туширилди.

• Айна пайтда 5 та санатория, 234 та поликлиника ва 315 та дорихона фаолият кўрсатмоқда.

минг-минг сўмлаб дарслик ва кўлланмалар билан бойитилди. Тинчлик корпуси вакили Патрик Маккренинг бу ишда берган кўмаги жамоанинг ёдида. Инглиз тили муаллими бўлган жаноб Маккренинг икки йил мобайнида Жомашўйда ишлаб кетиши, ўқувчиларгагина эмас, ўқитувчиларга ҳам каттагина наф берганини ҳамон эсдан чиқаришмайди.

Қишлоқ лицейида Наманганда биринчилардан бўлиб ўқувчиларнинг дарсларга эркин қатнашиши жорий этилганлиги диққатга сазовор. Болалар ўз иқтидорларидан келиб чиқиб, танлаган фанлари бўйича энг зарур би-



ларни жуда ёшлигидан бошлаб миллий урф-одатларга чуқур ҳурмат руҳида ўстиришди. Улар эстетик тарбияга ҳам қаттиқ туришар экан. Бунда жисмоний етуқлик устивор масала даражасига кўтарилиши эътиборга молик. Тиниб-тиничмас директор ижодий изланиш ўқувчига ҳам, ўқитувчига ҳам бирдек фазилат бўлиб қолиши учун астойдил жон куйдиради. Шу бос таълим сифати кўтарилмоқда, лицей нуфузи ортмоқда. Энди ўқувчиларгина эмас, муаллимлар фаолияти ҳам рейтинг асосида баҳоланаётди. Уларга зарур бўлса, кўйдан, яъни талабалар томонидан хуло-


«Мулоқот»нинг янги сони нашрдан чиқди. Бу сон Ўзбекистон халқ шоири, Алишер Навоий номидаги Ўзбекистон Республикаси Давлат мукофоти совриндори Барот Бойқобиловнинг миллий мустақиллик мафкура-сига бағишланган «Ўзбекман деганда олам уйгонсин!» шеъри билан

кўпчиликда қизиқиш уйғотажаги табиий. Шунингдек, таникли олим Хомиджон Хомидийнинг «Жамиятни маърифат кутқаради», Сауле Юнусовнинг «Миллий либос ва миллий қиёфа», Шавкат Ҳайитовнинг «Навоий ва Убайд Зоконий» мақолалари ўқимшилиги билан журналхонни ўзи-

«МУЛОҚОТ»НИНГ ЯНГИ СОНИ

очилган. Мафкура масаласи журнал ташкил бўлибдики, энг долзарб мавзу бўлиб келмоқда. Янги сондан ўрин олган таникли публицист Нарзулла Жўраевнинг «Миллий уйғониш руҳи» мақоласи ҳам кўпчилик эътиборини ўзига жалб этиши тайин. Журналнинг 4-сониде бу мавзуда кўплаб олимларнинг, жумладан, ўрол Абилов, Абдулла Насриддинов, Назар Ҳасимовларнинг мақолалари эълон қилинган.

га тортади. Заҳматқаш олим, академик Иброҳим Искандаров янги мақоласи билан Орол талофати нафақат Ўзбекистоннинг, балки олам фойдаси эканлигини асослаб беради.



Хар қандай нашр учун ҳам муҳлислар фикрини билиб бориш фойдадан холи бўлмайди. Шу маънода ўн ёшга тўлган жомоа учун юртдошларимиз фикр-мулоҳазалари беҳад қадрлидир. Янги сонда Ўзбекистон халқ ёзувчиси Мирмуҳсин, академик Маҳмуд Мирзаев, Халқаро «Олтин мерос» хайрия жамғармаси раисининг биринчи ўринбосари Убайдулла Уватовнинг, меҳнат фахрийси Насим Бердиқулларнинг журналистик ҳақидаги дил сўзларини ўқийсиз.

«Мулоқот» ўз муҳлислари сафини кўпайтириш мақсадида ҳар сонда янги-янги мавзуларга мурожаат қилади. Ушбу сонда ҳам ана шундай фидойи инсонлардан бири, «Янгийўл ём» хиссасдорлик жамияти раҳбари, Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси депутаты Муҳаммаджон Худоев билан суҳбат эълон қилинган. Журналист Нормўмин Очиловнинг «Наслимиз — аслимиз» мақоласи ҳам

«Мулоқот» ўз муҳлислари сафини кўпайтириш мақсадида ҳар сонда янги-янги мавзуларга мурожаат қилади. Ушбу сонда ҳам ана шундай фидойи инсонлардан бири, «Янгийўл ём» хиссасдорлик жамияти раҳбари, Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси депутаты Муҳаммаджон Худоев билан суҳбат эълон қилинган. Журналист Нормўмин Очиловнинг «Наслимиз — аслимиз» мақоласи ҳам

Мамлакатимизда бу йил бобомиз Бурхонуддин ал-Марғинийнинг таваллудининг 910 йиллиги нишонланаяпти. Хуқуқшунос олим Ҳалимбой Бобоев бу кутлуғ санага бағишлаб журналда «Хидоя» — мусулмон ҳуқуқининг асоси» мақоласини эълон қилди. Азиз муштарий, бу мақоланинг давомини 5-сонда ҳам ўқийсиз. Очил Бўриевнинг «Кўшничлик — осийишталик манбаи», Мирхондин «Равзатуссафо» ва Сафар Муҳаммадиевнинг «Инсон умрининг ўттиш давлари» кўпларга манзур бўлишига ишончимиз комил. Бундан кейин ҳам журналда, одамларни маънавиятга, меҳр-оқибатга, дўстга вафоли ва юртга садоқатли, қатъий эътиқодли ва самимий бўлишга чорловчи мақолаларни эълон қилиб борамиз.

Ҳамдамбек САЪДУЛЛАЕВ.

Хотира

«БЎЗҚАЛЪА»ДА ЯНГИ БОҒ

Янгибозор туманидаги «Бўзқалъа» ширкат ҳўжалигида барпо этилган 30 гектарлик янги боғ Ҳўжамурод Сафарниёзов номи билан аталдиغان бўлди. Бўзқалъалиқларнинг ҳамқишлоқлари хотирасини эъзозлаб, у зотининг номини абадийлаштиришнинг босиси бор, албатта.

Ҳўжамурод Сафарниёзов ўттиз йил давомида «Бўзқалъа»га бошчилик қилди. Унинг етакчилигида жомоа ҳўжалиги вилоятда яхши танилди. Ўзининг иқтисодий қувватини оширди. Қишлоқ ахлининг пахтачиликдаги илгор тажрибалари республикага ёйилди.

Собиқ раиснинг ишчанлик ва ташаббускорлик, одамийлик фазилатларини бўзқалъалиқлар яхши эслашди. Унинг етакчилигида қишлоқда бунёд этилган кўплаб биналарни мисол қилиб кўрсатишди.

— Ҳўжамурод ака олдиға бирор юмуш билан келган кишини ноумид қайтар-

масди, — деб хотирлайди кекса пахтакор А. Эшмуродов.

Бўзқалъалиқлар таниқли ташкилотчи ва машҳур қовунчилик устаси Матвапо Юсупов, биринчи муаллими Салима Ёқубова, бир асрдан кўпроқ умр кўрган оқсоқол Кичкинаҳўжа Мусаев, дондор деҳқон Султонмурод Матмуродов каби кўплаб ҳамқишлоқлари хотираларини эъзозлашди. Чунки уларнинг ҳаёт йўллари, ибратли ишлари ҳам унутилмасдир.

Ҳўжалиқнинг Абдулла Қодирий номидаги кўркам боғида жойлашган «Маънавият ва маърифат» марказида бугунги кунда кўплаб тадбирлар изчил амалга оширилмоқда. Тарихий ўлкашунослик музейи эса қишлоқнинг кечаги ва бугунги кунига, фидокор инсонлар хотирасига оид янги экспонатлар билан бойитилди.

Сотим АВАЗ,
«Халқ сўзи» муҳбири.

Навоий вилоятидаги «Соғлом авлод йили» дастури доирасидаги тадбирларнинг баҳарлишини таъминлаш қатъий назоратга олинган. Айниқса, «Меҳрибонлик уй»лари, ноғирон болалар, кам таъминланган оилаларга дастур йўналишлари ва ҳомийлар томонидан кўрсатилаётган гамхўрликнинг чеки йўқ.

Соғлом авлод йили
МУРУВВАТ

Йилнинг ўтган даврида Навоий шаҳридаги «Меҳрибонлик уй»да тарбияланаётган 103 нафар болага 2 миллион 130 минг сўмлик моддий ёрдам кўрсатилди. Қизилтепа туманидаги 36, Кармана туманидаги 25-маҳсус мак-

таб-интернатлардаги ноғирон болалар учун 1 миллион 115 минг сўмлик, кам таъминланган оилаларга фарзандлари учун 5 миллион 200 минг сўмлик дарслиқлар, ўқув қуроллари, кийим-кечаклар совға қилинди. Навоий шаҳрида

«Соғлом авлод — истиқлол таянчи» мавзусида хайрия марафони ўтказилиб, ундан тушган 2 миллион сўмдан ортиқроқ маблағ ҳам айнан шу йўналишда сарфланди.

Эрта-индин Зарафшон шаҳрида 150 ўринли «Меҳ-



рибонлик уйи» фаолият кўрсата бошлади. Бу масканда ҳам болалар учун ҳамма зарур шарт-шароитлар муҳайё этилган.

Абдуваҳоб ПИРМАТОВ,
«Халқ сўзи» муҳбири.

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ МАРКАЗИЙ БАНКИ АХБОРОТИ

Ўзбекистон Республикаси Марказий банки 2000 йил 18 июлдан бошлаб валюта операциялари бўйича бухгалтерия ҳисоби, статистик ва бошқа ҳисоботларни юритиш, шунингдек божхона тўловлари учун хорижий валюталарнинг сўмга нисбатан куйидаги қийматини белгилади: /

1 Австралия доллари	158,12
1 Австрия шиллинги	18,47
1 Англия фунт стерлинги	405,79
10 Бельгия франки	63,02
1 Голландия гульдени	115,36
10 Греция драхмаси	7,56
1 Дания кронаси	34,10
1 БАА дирхами	73,81
1 АҚШ доллари	271,07
1 Миср фунти	78,01
10 Испания песети	15,28
100 Италия лираси	13,13
1 Канада доллари	182,66
1 Хитой юани	32,74
10 Люксембург франки	63,02
1 Малайзия ринггити	71,34
1 Германия маркиси	129,98
1 Польша злотийси	62,72
1 СДР	357,84
1000 Туркия лираси	0,43
1 Финляндия маркиси	42,75
1 Франция франки	38,75
1 Швейцария франки	164,07
1 ЕВРО	254,21
10 Жанубий Корея вони	2,44
10 Япония иенаси	25,08
1 Россия рубли	9,73
1 Украина гривнаси	49,84

/ Валюта қийматини белгилаш чоғида Ўзбекистон Республикаси Марказий банки мазкур валюталарни ушбу қийматда сотиш ёки сотиб олиш мажбуриятини олмаган.

МИРЗО УЛУҒБЕК НОМИДАГИ ЎЗБЕКИСТОН МИЛЛИЙ УНИВЕРСИТЕТИ

2000-2001 ўқув йили учун куйидаги мутахассисликлар бўйича магистратурага ҚАБУЛ ЭЪЛОН ҚИЛАДИ:

- Физика йўналиши бўйича:** Назарий физика; ярим ўтказгичлар ва диэлектриклар физикаси; радиофизика; Оптика, магнитооптика ва молекуляр оптика; Лазер физикаси; Элементар заррачалар ва ядро физикаси, Физик электроника; Гелиофизика ва қўёш энергиясидан фойдаланиш; Физика ўқитиш услубиёти; Қўёш тизими физикаси ва астрофизикаси; Композицион кукунли материаллар ва қопламалар; Метеорология; Агрометеорология.
- Математика йўналиши бўйича:** Математик таҳлил; Дифференциал тенглалар; Математик физика; ҳисоблаш математикаси;
- Амалий математика йўналиши бўйича:** Амалий математика ва информатсион технологиялар; Математик физика; Ҳисоблаш математикаси;
- Механика йўналиши бўйича:** Назарий математика, Деформацияланувчи қаттиқ жисм механикаси.
- Кимё йўналиши бўйича:** Аналитик кимё, Органик кимё; Юқори молекулали бирикмалар кимёси, Табиий бирикмалар кимёси; Биорганик кимё.
- Биология йўналиши бўйича:** Биология, Физиология; Генетика; Биофизика, Биокимё; Одам ва ҳайвонлар физиологияси.
- Тупроқшунослик йўналиши бўйича:** Тупроқшунослик; Тупроқ физикаси ва мелиорацияси.
- Экология йўналиши бўйича:** Экология; Биозкология.
- Геология йўналиши бўйича:** Геология; Геофизика.
- География йўналиши бўйича:** Табиий география, Иجتимойий география.
- Ўзбек филологияси йўналиши бўйича:** Тилшунослик; Адабиётшунослик; Адабий манбашунослик ва матншунослик; Турк тили ва адабиёти;
- Славян филологияси йўналиши бўйича:** Тилшунослик; Адабиётшунослик;
- Роман-герман филологияси йўналиши бўйича:** Инглиз, немис, француз филологияси; Таржима назарияси ва амалиёти.
- Журналистика йўналиши бўйича:** Телевидение ва радиозинтириш; Халқаро журналистика.
- Иқтисодий йўналиши бўйича:** Давлат ва маҳаллий бошқарув.
- Хуқуқшунослик йўналиши бўйича:** Хуқуқшунос-педагог.
- Фалсафа йўналиши бўйича:** Фалсафа; Иجتимойий фалсафа; Эстетика назарияси ва тарихи; Фалсафа ва фанлар услубиёти.
- Иجتимойий-сиёсий фанлар йўналиши бўйича:** Сиёсатшунослик; Психология.
- Тарих йўналиши бўйича:** Ўзбекистон тарихи; Жаҳон тарихи; Тарих-архившунослик; Манбашунослик ва тарихшунослик; Археология; Этнография.

ҲУЖЖАТЛАР 2000 ЙИЛ 1 ИЮЛДАН 30 ИЮЛГАЧА ҚАБУЛ ҚИЛИНАДИ.

Манзилгоҳимиз: Тошкент шаҳри, Талабалар шаҳарчаси, Ўзбекистон Миллий университети. Тел. 46-39-63.

Vinlad
Ҳаётни тинчроқ ўтказайлик!

Ёнғиннинг олдини олиш муҳофаза сигнализацияси;
Киришни чеклаш тизимлари;
Домофонлари;
Овоз бериш тизимлари;
Телекузатиш муҳофаза тизимлари
ва бошқа хавфсизлик тизимлари.

Ўзбекистон Республикаси, 700022, Тошкент ш., «Қушбеги» к., 18.

Тел.: (998 712) 50-99-13, 50-46-13;
Факс: (998 712) 50-03-61.
E-mail: vinlad@naytov.com.



АЛПОМИШУ БАРЧИНЛАРГА МЕНГАЙДИ ҲАМ

Бу гап бутур бўлган эди. Ушунда 16 ёшга бўлган ўсмирлар ва қизлар ўртасида шахмат бўйича Осиё биринчилиги мусобақаларида иштирок этиш учун келган Япония делегацияси аъзоси Кеизо Наката мустақил юртимиз, беллашув ўтказилган Наманган шаънига айтган илик сўзлари таржимон кўмагисиз ҳам юракюркакларга етиб боргани кечагидек эсимизда.

— Ташриф қозоғизга разм солдимиз биринчи бор номини эшитибтганим, Наманган дегани қандай жой экан, деган савол хайлими банд этди. Бу ерга етиб келган кунимок турфа гуллари билан яшилликка чулганган



ЯНГИЛАНАЁТГАН НАМАНГАН

шаҳар, унинг меҳмондўст, меҳрибон кишилари бир зумда мени ва шерикларимни ўзига мафтун этди. Айниқса, вилоятда жисмоний тарбия ва спортга эътибор ўзгачалиги, муқтадам ўйингоҳ ҳамда иншоотлар етариллигидан бу жой мусобақа учун бежиз танланмаганлигини англадим, — деганди у.

Юртимизга илк бор қадам ранжида қилган хоржик фуқаросининг кўтаринки сўзлари мустақиллик шарофати ила гуллар шаҳридан спорт шаҳрига айланиб бораётган Наманган ҳақида билдириляётган ҳолис фикрди.

Дарҳақиқат, спортнинг равнақи мустақил юрт кудрати бўлиб, унинг довуғини жаҳонга таратаётгани ушбу вилоят микёсида қатрадаги қўбш янгли аксини топмоқда.

2000 йил 22-29 май. Республика талаба ёшларининг биринчи универсиадаси ўтказилди. Спортимиз истиқболи бўлган навқирон авлоднинг имконият уфқлари шу даражада беъқиёси, уларнинг тўлақонли юзага чиқмоғи учун айнан «Универсиада-2000» каби йирик беллашув зарур эди. Халқаро андозаларга мос спорт иншоотлари етарли бўлган Наманган бу анжуман учун шарафни яратди, яратди-гина эмас, мусобақа рисоладагидай ўтди.

Бугун вилоятда 28 та ста-



дион, 4376 та спорт зали, 23 та сузиш ҳавзаси, 31 та теннис корти ва бошқа иншоотлар шаҳар ва қишлоқлардаги ҳар уч кишидан бирининг спортнинг маълум тури билан шугулланишига имконият яратмоқда. Уларнинг аксарияти республикамиз мустақилликка эришгандан кейинги қисқа вақт ичида халқимизнинг азалий удуми — ҳашар йўли билан барпо этилди. Жумладан, тўққиз ой муддатда ишга туширилган «Пахлаво» спорт-соғломлаштириш мажмуасини тиклашда мингдан ортқ меҳнат жамоалари иштирок этдилар. Ярим миллиард сўмликдан ортқ маблағ эвазига бунёд бўлган бу

муқтадам қосонада жаҳон андозаларига мос спорт зали, сузиш ҳавзаси, суний қоплама билан жиҳозланган мини футбол, волейбол, қўл тўпи, баскетбол майдончалари, теннис корти ва меҳмонхона унга ташриф буюрган ҳар қандай хоржикий меҳмонни ҳам лол қолдириши, табиий.

Вилоятда спортнинг барча тури ўз ҳомийси, ўз тақчилотчисига эга. Ҳокимдан бошлаб ўринбосарлари-ю, йирик корхона, ташкилотларнинг раҳбарларига ҳам ўзларини бу ишга масъул деб ҳисоблашадилар. Уларга қўйилаётган талаб битта: қучли ва катта мусобақаларда иштирок эта оладилар вақиллар сони кўпайсин. Дастлабки натижалар чакки эмас. 56 нафар спортчи йигит-қиз Ўзбекистон ёшлар ва миллий терма жамоалари таркибига халқаро беллашувларда иштирок этмоқда. Вилоятда жисмоний тарбия

ва спортни илдам ривожлантиришга асосий вазифалардан бири, соғлом авлодни камол топтиришнинг муҳим воситаси сифатида қаралаётганлиги бу борада яхши натижалар кўрсатишни таъминламоқда оддий бир мисол: «Намангансавдо» концерни раҳбари Адхамжон Зиётовнинг катта теннисда дурустгина ўйнашни кўпчилик яхши билади. Эндиликда у болажон ва саҳий инсон сифатида ҳам вилоятга танилди. Гап шундаки, ҳаваскор теннисчи вилоятда ўтказилган турнирда рақибларини доғда қолдириб, қучлиларнинг қучлиси бўлган ва йирик соврин — «Тико» автомашинасини қўлга киритган эди. Ана ўша соврин Наманган шаҳридаги 1-болалар шифохонасига тўрға этилди. Демак, Наманганда спорт саҳоват белгиси ҳам экан.

Материалларни «Жалқ сўзи» муҳбирлари Фурқат САНАЕВ, Қудратилла НАЖМИДИНОВ тайёрлади. Турғунбек МАҲКАМОВ ва Тоҳиржон ҲАМРОҚУЛОВ олган суратлар.

РАКАМЛАРДА ЎЗГАРИШЛАР АКСИ

- Бугунги кунда вилоят спорт бўйича халқаро ва республика мусобақалари доимий равишда ўтказиб келинётган марказлардан бирига айланиб бормоқда.
• Вилоятнинг «Навбахор» футбол жамоаси 1996 йида республика чемпиони унволига, уч бор республика кубоғи соҳиби бўлишга, 1999 йида эса суперкубоғ олишга эришди.
• Вилоятда 27 та тарихий меъморий обидалари ва зиратгоҳлари бор.
• Қадимий Аҳсиқет ноҳияси ва Мунқоттепадан қазиб олинган ноёб топилмаалар минг-миля аввалги аждодаларимизнинг юксак маданиятидан, ақл-заковатида далолат беради.

ЭҲТИЁТ БЎЛИНГ...

Аслида, қовун халқимиз томонидан суёб истеъмол этилганда, серхосият табиат неъматларидан бири ҳисобланади. Қовуннинг шифобахликл қимматини буюк аллома Абу Али ибн Сино ўзининг «Тиб қонунлари»да алоҳида таърифлаб ўтган эди: «... қовуннинг эти, ва айниқса, уруғи ва ичидаги бошқа нарсалар сепкил, доғ ва бошининг кепagini йўқотишда фойда қилади... Қобиги (пўчоғи) манглайга ёпиштирилса, кўзга тушадиган назлага тўқинлик қилади... Қовуннинг етилгани ҳам, хоми ҳам сийдик ҳайдайди. Айниқса, буйрағи ва қовуғида майда тошлар бўлган беморлар учун фойдалидир...»

Қовуннинг яна ўзгача хосиятлари мажҳудлиги тўғрисида «Маҳзун-ул-адвийа» («Даволар ҳазинаси») китобида тавсифлаб ўтилган. Китоб муаллифи Муҳаммад Хусайн ибн Муҳаммад ал-Оқилнинг таъбирича, қовун киши аъзоларини тозалайди, ёпишқоқ, қуюқ моддалардан холи қилади, қонни суялтиради, осон ҳазм бўлади, миғрага ижобий таъсир қилиб жуссани семиртиради, у ис-

ҚОВУН!

хосиятлари устида кетар экан, унинг таркибиде мав-



жуд бўлган фойдали моддалар мажмуаси хусусида тўхталиш лозим бўлади. Қовун таркибиде навиға қараб 18 фоиз қанд моддаси, С белгили дармондори, каротин, РР витамини, гемцеллюлоза, пектин моддалари, шунингдек, маъданий унсурлардан калий, кальций, темир, фосфор, натрий ва азотли моддалар жо бўлган.

Адабиётларда қовуннинг кишига хушрўйлик бағишлаши ҳақида ҳам маълумотлар келтирилган.

Бироқ, афсуски, кейинги йилларда қовунларнинг сифати маълум даражада ёмонлашганлигини айтмасдан бўлмайди.

Айрим ҳўжалиқлар ва «тадбиркор» дехқонлар томонидан етиштириляётган қовунларга кишини дардга илаштирувчи манба сифатида хавфсизраб қарайдиган бўлиб қолди. Баъзи кимсалар қовунларни тошбосар қилиш мақсадиде маъдан йўғитларга, жумладан, селитрага буктириб етиштирилядилар. Маъданли ўғитларга тўйиниб «бурдоқ» тус олган қовун инсон организмга тушган, ўз «хунарини» кўрсатмай қўймайди. Селитрага буккан қовунлар одам организмга жиддий таъсир кўрсатади. Жумладан, азотли ўғит қолдиги

ТОҲИР ЖАМОЛОВИЧ МИРЖАЛИЛОВ

Бешафқат ўлим замонавий ўзбек тасвирий санъатининг йирик номандаларидан бири, танкичи рангтасвиричи расом, Ўзбекистон Бадий академиясининг академиги Тоҳир Жамолович Миржалиловни 51 ёшида орамиздан олиб кетди.

Тоҳир Миржалилов 1950 йил 8 февралда Тошкент шаҳрида туғилди. Тасвирий санъатга бўлган қизиқиши уни Тошкент давлат театр ва расомчилик институтига етказди. Институтни тугатгач, кўп йиллар давомида республика бадий билим юртида ўқитувчилик қилиш билан бирга иқтидорли рангтасвиричи расом сифатида самарали ижод қилди. Унинг «Афсона ва ҳақиқат», «Рўзнома ва одамлар», «Ҳақиқат учун» номли учлиги, «Настарин», «Баҳор», «Саратон» каби манзара асарлари туркуми мутахассислар ва санъат мухлисларининг эътиборини қозонди. У акс эттирган образлар ўзининг ҳаётийлиги, миллийлиги, қаҳрамонлар ички кечинмалари, ҳис-туйғуларини очибди ўзига хослиги билан диққатни тортди. Расом мамакатимиз ва хориждаги кўпбал бадий кўргазмаларда фаол қатнашиб, юртимиз санъати ютуқларини кенг тарғиб этди. Унинг асарлари Буюк Британия, Япония, Корея, Ис-

роил, Италия каби давлатлардаги нуфузли музей ва шахсий галереялардан ўрин олган. Т. Миржалилов ўзининг фидойилиги, меҳнатсеварлиги, дўстларига меҳрибонлиги билан алоҳида ахрлийб турарди. У серкўрра ижод билан бир қаторда Ўзбекистон Расомлар уюшмасининг раиси, сўнгги йилларда эса Ўзбекистон Бадий академияси раисининг ўринбосари лавозимларида самарали меҳнат қилиб, мамлакат микёсида олиб бориляган буюк бунёдкорлик ишларига ўзининг муносиб ҳиссасини қўшди. Марҳумнинг оила аъзоларига чукўр тазвия изхор қилиб, Яратгандан уни ўз раҳматиға олишини тилаймиз. Танқили расом Тоҳир Миржалиловнинг порлоқ хотираси қалбимизда бир умрга қолади.

Ўзбекистон Бадий академияси


«МАРГАРИТА-2000»

Фантаст ёзувчиларнинг келажакда инсон меҳнатини бутунлай роботлар бажаради, деган дадил фикрлари ўнгидан келаятганга ўхшайди.

«Биз истаганингизни топамиз!» Ушбу сўзлар билан «Ariston» маркаси маиший техника оламида янги даврни бошлаб берди. «Ariston» маркасининг «Margherita-2000» кир ювиш машинаси янги сифат андозаларини белгилаб, яқин келажакда маиший техниканинги янги концепцияларини яратди.

«Margherita-2000» — энг илгор гоғлар тисмолидир. Ишга тушириш тугмачалари ва эшикларнинг раво линалари, ҳаракатланувчи тарновнинг юмалоқ ёни ва дастурларининг сирғалувчан яширин рўйхати. Барча хусусиятлар келажакка йўналтирилган фалсафий услубга риоя қилган ҳолда ташки безак ва кўринишининг энг илгор гоғларига мувофиқ ишлаб чиқилган.


«Margherita-2000» эркаклари лол қолдирувчи, кичкина мўъжизаларга қодир аёллар учун яратилган. Эркаклари эса, маълумки, у ёки бу кашфиётнинг афзаллиги тўғрисидаги қатъий ҳисобот қизиктиради. Илхосингиз қайтмайди! Мутахассисларнинг таъкидлашича, барча қисмларнинг 95 фоизи умуман янги ва айнан мазкур модель учун яратилган.



Барчамизни ташвишлантирувчи масала — тежамкорлик ва сифат «аёло» га баҳоланган. «Margherita-2000» дунёдаги бирон-бир кир ювиш машинасига ўхшамайди, эҳтиёт билин ювади.


ЭЪЛОН

Транспорт ва алоқа соҳасини лицензиялаш бўйича Вазирлар Маҳкамаси комиссиясининг 4-феврал 1999 йилдаги № 27-сонли мажлис баёнига асосан 1999 йил 12-февралда «Ўзавтодарэтранс» агентлиги томонидан Китоб тумани хусусий транспорт воситалари эгалари уюшмасига берилган «Шаҳар атрофи йўналишларида йўловчи ташини» хўшқини берувчи АТ серияли 0004707-сонли ва «Шаҳар атрофида ва шаҳарлараро йўналишларида юклар ташини» хўшқини берувчи АТ серияли 0004708-сонли лицензиялар йўқолганлиги ва муддатли ўтганлиги сабабли бекор қилинади.



«Ўзбекистон ҳаво йўллари» миллий авиакомпаниясининг «Тошкент» аэропортида бош юк вакили — «Интеркаго сервис» ҚҚ си МДХ ва узоқ хоржик давлатларига бўлган мунтазам пассажир ва чартер қатновларида юкларни қабул қилиш, уларга ишлов бериш ва жўнатиш бўйича ўз хизматларини тақлиф қилади.

Биз авиа юк ташиниға ҳаво йўллари орқали ташини талабларига жавоб берадиган барча юк турларини, шу билан бир қаторда ҳар қандай турдаги ва ҳажмдаги қишлоқ ҳўжалик маҳсулотларини, жумладан, хўл мева ва сабзавотларни қабул қиламиз.



ХАВО ЮКЛАРИНИНГ САҚЛАНИШИ ТўЛА КАФОЛАТЛАНАДИ. Телефонлар: 551268, 557421, «Тошкент» аэропортининг ички телефонлари 13-58, 13-21, 13-22

Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси аппаратининг жамоаси масъул ходим Ҳажим Муҳаммадминичи Аюпова онаси Хосият АЮПОВАнинг вафот этганини муносабати билан таъзия изхор этади.

Сизнинг хизматингизга:
• Турли маршрутлар
• халқаро стандартлар бўйича хизматлар
• юк оварланишини таъминлаш
• замонавий юк терминали
• 3000 кв. метрдан ортққ майдонли омборхоналар
• юқори малакали идора ходимлари
• авиа-ташишлар бўйича ҳар қандай консўлтациалар
• юбориш ва қабул қилиш вақтида расмийлантириш бўйича ёрдам

«Ўзбекистон ҳаво йўллари» миллий авиакомпаниясининг «Тошкент» аэропортида бош юк вакили — «Интеркаго сервис» ҚҚ си МДХ ва узоқ хоржик давлатларига бўлган мунтазам пассажир ва чартер қатновларида юкларни қабул қилиш, уларга ишлов бериш ва жўнатиш бўйича ўз хизматларини тақлиф қилади.

Биз авиа юк ташиниға ҳаво йўллари орқали ташини талабларига жавоб берадиган барча юк турларини, шу билан бир қаторда ҳар қандай турдаги ва ҳажмдаги қишлоқ ҳўжалик маҳсулотларини, жумладан, хўл мева ва сабзавотларни қабул қиламиз.



ХАВО ЮКЛАРИНИНГ САҚЛАНИШИ ТўЛА КАФОЛАТЛАНАДИ. Телефонлар: 551268, 557421, «Тошкент» аэропортининг ички телефонлари 13-58, 13-21, 13-22

Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси аппаратининг жамоаси масъул ходим Ҳажим Муҳаммадминичи Аюпова онаси Хосият АЮПОВАнинг вафот этганини муносабати билан таъзия изхор этади.

Аввал хабар қилганимиздек, 14-16 июл кунлари пойтахтимиздаги республика Ташкилоти фаолият миллий банкининг спорт мажмуи теннис кортларида Дэвис кубоғи мусобақаларининг жаҳон гуруҳига чиқиш учун саралаш учрашуви бўлиб ўтди. Унда Ўзбекистон ва Нидерландия катта ракетка усталари баҳс юритдилар.

ИМКОНИЯТ БОЙ БЕРИЛДИ

Вақилларимиз учинчи мартабана ана шундай беллашувда иштирок этишди. Афсуски, бу гал ҳам имконият бой берилди. Эсингизда бўлса, олдинги йиллари Австралия ва Чехия спортчилари теннисчиларимизнинг жаҳоннинг энг қучли 16 мамлакатни қаторидан жой олишига тўқсинлик қилишган эди.

Дастлаб кортга Олег Огородов ва Рихард Крайчек тушишди. 1996 йилги Уимблдон турнири голиби вақилларимизга ҳеч қандай имконият қолдирмай уч сетда (6/4, 6/3, 6/4) голиб қикди.

Учар голландларнинг яна бир вақили Сьенг Шалкен Вадим Куценко ни уч сетда (6/2, 6/1, 6/4) мағлубиятга учратгач, жаҳон гуруҳига меҳмонлар йўли олиши ойналашиб қолди. Фақат... битта умид жуфтлик беллашувларидан. Му-

собақаларнинг иккинчи куни ана шундай учрашув бўлиб ўтди ва унда яна уч сетда лолалар юрти спортчиларига омад қилиб бокди.

Қолган иккита ўйин ҳеч нарса ни ҳал қилмасе-да, кортда қизикарли баҳслар кечди. В. Куценко яна майдондан бош эғиб чиққан бўлса, С. Шалкен билан беллашган О. Огородов мухлисларни қувонтиришга эришди ва икки сетда (6/4, 6/3) голиб қикди.

Шундай қилиб 4:1 ҳисобиде муваффақиятга эришган Нидерландия теннисчилари жаҳон гуруҳидаги ўз ўринларини сақлаб қолишти. Биз эса кейинги йилги мусобақаларга умид кўзини тикиб қоламиз.

Озод БЕК, «Жалқ сўзи» муҳбири.

«ЖАЛҚ СҮЗИ» «НАРОДНОЕ СЛОВО»

МУАССИСЛАР: Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Кенгаши ва Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси

Бош муҳаррир: Аббосхон УСМОНОВ

Тажрир хайъати: Э. БОЛИЕВ (масъул котиб — «Жалқ сўзи»), М. ЕГОРОВ (масъул котиб — «Народное слово»), Ш. ЖАББОРОВ (бош муҳаррир ўринбосари — «Жалқ сўзи»), С. ЗИНИН, М. МИРАЛИМОВ, С. МУҲИДИНОВ, Ш. РИЗАЕВ, М. САФАРОВ, Р. ФАРОДИЙ, И. ХУДОЕВОВ, И. ШОҒУЛОМОВ, О. ҚАЙПБЕРГЕНОВ (бош муҳаррир ўринбосари — «Народное слово»), Ҳ. ҚОШИМОВ.

БЎЛИМЛАР: Ижтимоий-сўғий ҳаёт — 133-57-34; Ҳўжўк — 136-07-94; Иқтисодийёт — 136-36-65; 132-10-65; Маънавият ва маърифат — 136-35-60; Ҳатлар — 136-29-89, 133-07-48; Фан, соғлиқни сақлаш ва ижтимоий масалалар — 132-12-08; Ахборот, спорт ва ҳарбий-ватанпарварлик — 133-78-92; Халқаро ҳаёт — 132-11-15; Котибият — 133-10-28; Эълонлар — 136-09-25.

Рўйхатдан ўтиш тартиби № 00001

Буюртма Г — 516, 22228 нусхада босилди, ҳажми — 2 табоқ. Офсет усулида босилган. Қоғоз бичими А—2

Газета PENTUM-II компьютеризация термиди ҳама операторлар С. ЛУКИН ва Ж. ТОҒАЕВ томонидан саҳифаланди.

Навбатчи котиб — А. ОРИПОВ. Навбатчи муҳаррир — М. САФАРОВ. Навбатчи — Д. ТУРГУНОВА. Муасхххх — А. САТТОРОВ.

МАНЗИЛИМИЗ: 700000, ГСП, Тошкент шаҳри, Матбуотчилар кўчаси, 32-уй.

Тахрирятда ҳажми 5 қоғоздан зиёд материаллар қабул қилинмайди.

«Шарқ» нашриёт-матбаа концерни босмаҳонаси. Корхона манзили: «Буюк Турон» кўчаси, 41.

Босишга топшириш вақти — 21.00 топширилади — 21.00

1 2 3 4 5 6